Haqsevar ona yurt, mangu böl obod!

TOŞKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
25-noyabr
ÇORŞANBA
№ 95
(13956)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

СУЮКЛИ НАБИРАМ ШАВКАТБЕККА ПАРВОЗ ДАВОМИДА БИТИЛГАН МАКТУБ

Ассалому алайкум, кўзимнинг оқу қораси, умримнинг давомчиси бўлган набирам!

Мана шу дақиқаларда биз Иордания давлатига, буюк пайғамбарлар юртига, хусусан, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам авлодлари бўлган Ҳошимийлар Подшоҳлигига ташриф билан кетмоқдамиз.

Ушбу муқаддас сафар давомида, қалбимни Ватанимизга меҳр, соғинч туйғулари қамраб олган дамларда сен, азиз боламга энг эзгу ва самимий тилакларимни йўллашга қарор қилдим.

Албатта, бундай олис сафарлар ҳар қандай одамни ҳам толиқтиради. Аммо мени ҳамиша йўлимга кўзи тўрт бўлиб кутадиган яқинларимни, дуолар билан қўллаб-қувватлаб келаётган халқимни ёдга олсам, барча чарчоқларим бир зумда булутдек тарқаб кетади.

Эрталаб хайрлашиш пайтида болаларча соддалик билан: “Нега Сиз доим узоқ сафарларга кетасиз?” деб сўрадинг. Шошиб турганим учун бу саволингга тузукроқ жавоб беролмадим. Бироқ шу гапинг фикру хаёлимни банд қилиб турибди.

Болажоним, сени қанчалик яхши кўришимни биласан. Лекин тақдир зиммамга шундай вазифа юклаганки, мен нафақат сенинг, балки сенга ўхшаган миллионлаб Ўзбекистон фарзандларининг келажаги ҳақида ҳам ўйлашим, қайғуришим керак.

Мен қайси лавозимда фаолият юритмай – депутатми, ҳокимми, бош вазирми ёки давлат раҳбарими, ҳамиша халқ оғирини енгил қилиш, мушкулини осон этишни асосий мақсад, ўз ҳаётимнинг маъно-мазмуни, деб билганман.

Умримни элу юрт хизматига бахш этишдан бир лаҳза бўлсин афсусланмадим. Ҳаётда чиқарган энг катта хулосаларимдан бири шуки, бу дунёда миллатнинг дардига дармон бўлишдан кўра аъло ва афзал иш йўқ.

Тез-тез ўзга юртларга йўл олишим ҳам – сизларнинг, кўпмиллатли халқимизнинг тинч, тўкис ва тўкин яшашини истаганим туфайлидир. Сизлар мактабда яхши ўқиб, ақлли, билимдон бўлиб вояга етишингиз учун ҳам дунё кезишимга, янги-янги ҳамкорлар топишимга тўғри келади.

(Давоми 2-саҳифада)



▼ Долзарб 40 кунлик



ВИЛОЯТИМИЗДА ЯШИЛ МАКОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Оҳангарон туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги кўчат экиш мавсумига бағишланган тарғибот тадбир бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ, шунингдек, Zoom платформаси орқали барча шаҳар ва туман ҳокимликлари масъуллари, фаоллар ва ҳашарчилар иштирок этишди.

Тадбирда вилоят ҳокими сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган “Яшил макон” лойиҳаси ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва экологик муҳитни яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Viloyat böylab

TOŞKENT viloyatidagi 14 ta şahar va tuman obodonlaştiriş boşqarmalariga hududlarni obodonlaştiriş, yöl infratuzilmasini yaxşilaş hamda asfaltlaşni samarali taşkil etiş maqsadida zamonaviy maxsus texnikalar yetkazib berildi. 26,1 milliard söm mablağ evaziga ajratilgan yangi texnikalar obodonlaştiriş boşqarmalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlaş, yöl qurilişi va ta’mirlaş işlarini tezkor hamda sifatli amalga oşiriş imkoniyatini kengaytiradi.

Özbekiston Respublikasi prokuraturasi organlari taşkil etilganligining 35 yilligi munosabati bilan "Yaşil makon" umummilliy loyihasi doirasida "Prokuraturaning 35 yilligiga – 35 ming tup daraxt" aktsiyasi amalga oşirilmoqda. Xususan, Toşkent viloyati prokuraturasi taşabbusi bilan **OHANGARON tumanining** “Oybuloq” mahallasi hududida 1 yarim gektardan ortiq yer maydoni köçat ekiş uçun tayyorlandi hamda 4 ming tupga yaqin manzarali daraxt köçatlari ekildi.

ÇINOZ tumanidagi 40-sonli umumta’lim maktabi ham ta’lim tizimida amalga oşirilayotgan islohotlar doirasida zamonaviy bilim maskaniga aylantirildi. 2026-yilda davlat byudjetidan ajratilgan 30 milliard söm mablağ hisobiga maktab binosi töliq rekonstruktsiya qilinib, zamonaviy talablar asosida qayta bunyod etildi.

VILOYATDAGI texnikum bitiruvçilarining bandligini ta’minlaş, ularni iş beruvçilar bilan boğlaş hamda mehnat bozoridagi mavjud imkoniyatlar haqida ma’lumot beriş maqsadida joylarda “Karyera kuni” tadbirlari taşkil etilmoqda. Unda hududdagi yirik korxona va taşkilotlar vakillari iştirok etib, bitiruvçilarga mavjud böş iş örinlarini taqdim etişadi. Tadbirda yoşlar iş beruvçilar bilan bevosita muloqot qiliş, işga joylaşiş masalalarida maslahat oliş va öz mutaxassisligi böyiça kasbiy imkoniyatlar bilan tanişiş imkoniga ega bölişadi.

ZANGIOTA tumanidagi 14-sonli umumiy örta ta’lim maktabida “Jadidlar izidan” körik-tanlovining viloyat bosqiçi bölib ötdi. Unda viloyatning 22 ta tuman va şahridan ikki yoş toifasi böyiça 44 nafar iqtidorli öquvçi iştirok etdi. Tanlov yakunlariga köra, kiçik yoş toifasida Nurafşon şahridan Mohidil Ötkirova, katta yoş toifasida esa Bekobod tumanidan Zahro Bekmurodova birinçi örinni egallaşdi. Ğoliblar respublika bosqiçida Toşkent viloyati şarafini himoya qilişadi.

АСРЛАР ОША ЯНГРАЁТГАН ОГОҲЛИК

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ренессанс» театр-студиясида «Падаркуш XXI» мусиқали спектакли намойиш этилди.

Тадбир аввалида куни кеча Президентимиз Иордания давлатига парвози давомида набираси Шавкатбекка ёзган мактубини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сенатор Маҳмуд Тойир томошабинларга ўқиб эшиттирди. Мактубдаги самимий фикрлар ва ҳаётий мулоҳазалар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

(Давоми 4-саҳифада)

▼ Санъат



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида навбатдаги “Ҳокимлик соати” йиғилиши бўлиб ўтди.

▼ Ҳокимлик соати



МУҲОКАМА МАРКАЗИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Унда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий мавзу 2026 йил кузги мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар, дарахт ва бута кўчатлари экиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда янги боғ-роғлар барпо этиш масалалари бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЛЛИГИНЧИ ҚАВАТДАГИ “ДУВ-ДУВ” ГАП...



Олтмиш йил аввал экранларда намойиш этилган «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида Умида образини яратган актриса Рўза Ризамуҳаммедова томошабинлар қалбидан чуқур жой олган эди. Унинг ҳаётдаги энг катта орзуларидан бири эса меъмор бўлиш, катта қурилишларда иштирок этиш, ўз қўли билан муҳташам бинолар бунёд қилиш эди. Аммо тақдир уни кино санъатига бошлади. Меъморчиликка бўлган иштиёқи эса юрагининг тубида қолди.

Бугун орадан олтмиш йил ўтиб, ўша орзунинг бир қисми унинг невараси Лайло Жалилова ҳаётида рўёбга чиқмоқда. Туркияда таҳсил олган, Лайло айни пайтда Ўзбекистоннинг йирик қурилиш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Унинг меҳнати сингган иншоотлардан бири – 52 қаватли «Nest One», иккинчиси эса мамлакатимизда янги таълим муҳити ва замонавий кампус маданиятини шакллантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон университети мажмуаларидир.

▼ Интилиш



4

"TOŞKENT HAQIQATI"GA

2027 йил учун ОБУНА давом этмоқда



Ҳурматли газетхон!

Янги йилни янги фикрлар, янги мақолалар ва янги хабарлар билан бошлашни истайсизми? Унда «TOŞKENT HAQIQATI» газетасига 2027 йил учун обуна бўлишни унутманг!

Зеро, газета – шунчаки қоғозга битилган сатрлар эмас. У – замон нафаси, одамлар ҳаёти, юрт воқеалари ва эл дардини бирлаштирадиган маънавий ҳамроҳ.

Биз эса янги йилда ҳам ҳар бир сонини сиз интиқиб кутадиган, ўқиб зерикмайдиган ва яқинларингиз билан баҳам кўрадиган газета тайёрлашга интиламиз.

Ҳафтасига икки бор – чоршанба ва шанба кунлари «TOŞKENT HAQIQATI» хонадонингиз ва идорангизга кириб боради. Яъни, йил давомида сиз билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат ва яқин маслакдош бўлиб яшайди.

2027 йил учун бир йиллик обуна нархи – 996 800 сўм.

Унутманг: фарзандларингиз қўлида телефон билан бирга газета ҳам бўлсин – зеро, газетхон оилада фикр, мулоҳаза ва маънавиятга эътибор кучли бўлади.

Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлинг!

Маълумот учун телефонлар:

(55) 520-64-95; (97) 432-00-35.

Шунингдек, таҳририятнинг Telegram канали орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашр индекси – 205

СУЮКЛИ НАБИРАМ ШАВКАТБЕККА

ПАРВОЗ ДАВОМИДА БИТИЛГАН МАКТУБ

Бироз улғайсанг, бу гапимнинг, умуман, қуйида баён этадиган мулоҳазаларимнинг маъносини ўзинг англайсан.

Қадрли нуридийдам!

Бизнинг болалигимиз жуда машаққатли кечган, суягимиз қотмасдан катталар билан баравар меҳнат қилишга мажбур бўлганмиз.

Сенинг ёшингда ёзнинг жазирамасида ғўза чопиб, изғирин совуқда пахта терганман. Мактабда ўн йил ўқиган бўлсам, шунинг деярли ярми далада ўтган. Қийинчиликлар бизни эрта улғайтирган.

Бундай азобларни сизларга, халқимнинг барча фарзандларига асло-асло раво кўрмайман. Шунинг учун Президент бўлганимдан сўнг биринчи галда болаларни пахта далаларидан мактабга қайтардим.

Ўғил-қизларимиз муносиб униб-ўсиши учун бунинг ўзи етарли эмас, албатта. Ҳозир қишлоғу шаҳарларда замонавий боғча ва мактаблар қуряпмиз. Сизлар учун яхши дарсликлар яратиш, билимдон ўқитувчилар тайёрлашга интиляпмиз.

Хуллас, сизлар бахтли, тўкис ва фаровон яшашингиз учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қиламиз.

Айни пайтда, етук инсон бўлиб улғайиш, аввало, ўзингизга, ирода ва сабот-матонатингизга боғлиқ. Бунинг учун барча фанларни қунт билан ўзлаштириб, қобилиятингизни тўлиқ юзага чиқаришга интилишингиз керак.

Унутма, сизлар ўз ақл-заковати билан дунёни ўзгартирган, инсониятга устозлик қилган не-не буюк зотларнинг авлодисиз.

Муҳаддислар султони Имом Бухорий, алломалар сардори Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмида инқилоб ясаган Абу Али ибн Сино, осмон тоқига нарвон қўйган Мирзо Улуғбек, она тилимизда беқиёс дурдона асарлар яратган Алишер Навоий, жаҳолат зулматини маърифат нури билан ёритган Маҳмудхўжа Беҳбудий..., эҳ-ҳэ, улуғ боболаримизнинг қай бирини санай! Улар шу қадар кўпки, номларининг ўзиёқ жилд-жилд китобларга жо бўлади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мухтасар айтсам, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерида буюк олиму фозиллар, азиз-авлиёлар, мард ва жасур саркардаларнинг муборак хоки ётибди. Уларнинг мамлакатимиз тарихидаги ўрни, оламшумул хизматлари ҳақида сенга мавриди келганда, албатта, сўзлаб бераман.

Юртимиздаги миллионлаб ўғил-қизларимизнинг қалбида ҳам даҳолар, уларнинг ўлмас руҳи яшаётганига имоним комил. Фақатгина бу фарзандларимизнинг иқтидорини вақтида уйғотиб, парваришлай олсак бас.

“Аслинг – наслинг”, дейишади. Астойдил ҳаракат қилсангиз, сизлар ҳам донишманд боболарга муносиб ворис бўлиб етишасиз. Атрофингга назар солсанг, бунга истаганча далил топишинг мумкин.

Мана, қанча ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб келяпти.

Қанча ёшларимиз хориждаги энг нуфузли университетларда таҳсил оляпти.

Яна қанча навқирон фарзандларимиз фаннинг турли йўналишларида кашфиёт ва ихтиролар қилмоқда.

Шахматчи йигит-қизларимиз жаҳон биринчиликларида зафар қозониб, Янги Ўзбекистон ёшлари нақадар улуғ ишларга қодир эканини исботламоқда, таъбир жоиз бўлса, шахмат тарихини қайта ёзмоқда.

Билгинки, олимлар, ихтирочилар, чемпионлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Боғбон ўзи эккан ниҳол ўсиб, мевага киргунига қадар неча йил тер тўкиб меҳнат қилади. Зукко, билимли, ҳунарли ёшларни вояга етказиш ҳам ана шундай машаққатли иш, масъулиятли юмушдир.

Биз ўн йил бурун ҳамма соҳада иқтидорли болаларни тарбиялашга киришган эдик. Бугун ана шу ишларимизнинг дастлабки умидбахш натижаларини кўриб турибмиз.

Азиз дилбандим!

Сизларга Ўзбекистондек озод ва обод юртда туғилмоқ, яшамоқ бахти насиб этди. Она Ватанимиз чиндан ҳам жаннатмонанд юрт! Академик шоиримиз Ойбек Ўзбекистонимизни тупроғида олтин гуллайдиган ўлка, деб таърифлаганида юз карра ҳақ эди.

Ўзбекистон деб аталган, уч минг йилдан зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакат фарзанди, ўзбек деган улуғ миллат ўғлони эканингдан ҳамиша ғурур, ифтихор туйиб яшагин, болам!

Юрт келажаги сен каби миллионлаб ёшларга боғлиқ эканини асло унутма! Илм-маърифат ўрганишга сидқидилдан ҳаракат қил! Чунки билим ва тафаккур битмас-туганмас бойликдир.

Ёдда тутгинки, ёшликда олинган билим худди тошга ўйилган нақш каби сира ўчмайди, бахтли, кучли ва баркамол инсон бўлиб ҳаёт кечиришинг учун бутун умр сенга ҳамроҳ ҳамнафас бўлади.

Тўғри, бугун сен ва сен мансуб бўлган авлодни мутолаадан чалғитадиган машғулотлар, вақти, эътибори ва имкониятларини ўғирлайдиган технологиялар кўпаймоқда.

Замонавий гаджетлар ва сунъий интеллектдан унумли фойдалан, аммо уларга қарам бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл!

“Олтин зангламас” деганларидек, чинакам билим ва маърифат ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Илм-фан янгиликларини синчковлик билан кузатиб, уларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қил!

Тил билган – эл билади, хорижий тилларни ўзлаштиришга рағбатингни асло сусайтирма!

Ҳар куни билим олишга, янги кўникма ва тажриба орттиришга ҳаракат қил! Бирор ишга қўл урсанг, уни албатта охирига етказгин. Бугунги ишни асло эртага қолдирма!

Паҳлавон болам!

Сен дунёга келган кунингдан буён қалбимизга олам-олам қувонч бахш этмоқдасан. Илк бор тетапоя қилиб юрганинг, тилинг чиқиб, бийрон-бийрон сўзлай бошлаганинг, қисқаси, ҳар бир олға ташлаган қадамингни чексиз шодлик ва улкан ғурур билан кузатамиз. Шундай кезларда “данагидан мағзи ширин” деган ибора қанчалик тўғри эканига такрор-такрор амин бўламан.

Аста-секин ҳаётингдаги муҳим даврларга кириб бормоқдасан. Фурсатдан фойдаланиб, сенга вақтнинг қадри хусусида ҳам икки оғиз насиҳат қилишни лозим топдим.

Мендан “Бобожон, ҳозир сизга нима кўпроқ етмайди?” деб сўрасанг, ҳеч иккиланмай “Вақт етмайди, вақт!” деб жавоб бераман. Онгу тафаккуримни жонажон юртимизни янада юксалтиришга қаратилган кўп-кўп янги ғоялар, илғор ташаббуслар банд этган. Афсуски, уларнинг барини юзага чиқаришга вақт камлик қиляпти. Шу сабабли, кам ухлаб, кўп ишлашга тўғри келмоқда. Яратган Эгам зиммамга шундай улкан масъулиятни юклаган экан, ширин уйқудан, ҳаловатдан воз кечмасам бўлмайди. Халқим тунда осуда ухлаши учун ҳам мен ҳар доим бедор бўлмоғим керак, ахир!

Унутма, вақт шундай бойликки, унинг баҳоси йўқ. Уни ортга қайтариш, тиклаш ҳам имконсиздир. Шундай экан, ҳар бир дақиқани ғанимат бил!

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди, болажоним! Ҳаётда кўнглингга туккан ишларинг ҳар доим ҳам тез ва соз амалга ошмаслиги, гоҳида омад юз ўгириши ҳам мумкин. Шундай паллаларда шошқалоқлик ва умидсизликдан йироқ бўлиб, сабр ва иродага суянмоқ лозим.

Шуни доимо ёдда тутгинки, чинакам муваффақият бу – муваффақиятсизликдан хулоса чиқариб, руҳни чўктирмай, чидам ва жасорат билан олдинга боришдир. Ҳаётдаги энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда эмас, балки йиқилган тақдирда ҳам ўзида куч топиб қайта тура билишдадир. Шунинг учун ҳеч қачон енгилдим дема! Тушкунликка тушма! Фақат олға ва яна олға юр!

Эзгу ният, қатъий амал ва гўзал фазилатлар билан яшасанг, асло кам бўлмайсан. Илм-маърифат ва қатъий интизомга таянган меҳнат эса нонингни бутун, эл-юрт орасида номингни азиз қилади.

Суюкли набирам!

Мен ҳар гал ўзга юртларда сафарда юрганимда сизларни, Ўзбекистонни жуда соғинаман. Бамисоли дарё соҳилидан тошгандек, соғинч қалбимдан тошганда байроғимизга қарайман.

Байроқ – Ватанимиз, миллий ғуруримиз тимсоли. Киндик қони тўкилган юртни севган инсон унинг рамзларини ҳам кўз қорачиғидек асраб-авайлайди.

Мен Ўзбекистонда ўсиб-улғайиб келаётган ҳар бир бола она диёримизни чин дилдан яхши кўриши, байроғимизни ор-номусимиз ва шарафимиз рамзи сифатида қадрлаб, уни ҳамиша баланд кўтаришини истайман.

Сен ҳам келажакда қайси касб-корни эгаллашингдан қатъи назар, Ватанга наф келтирмоққа, эл корига ярамоққа интил!

Ишончим комил, бугун биз амалга ошираётган улкан ислоҳотлар Янги Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафига кириши учун мустаҳкам замин бўлади.

Олдимизга қўйган юксак марралар, улуғвор мақсадларга эришиш бутун халқимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши, миллат ва давлат якдиллигини талаб этади. Бу йўлда сизлар ҳам ўзингизнинг бор ақл-заковатингиз ва куч-ғайратингизни ишга солиб, астойдил ҳаракат қилишингиз керак.

Одамийлик – инсоннинг асл зийнати. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон бўлиб қолмоқ муҳимдир. Мардлик, орият, ватанпарварлик, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик каби фазилатларингни гавҳар каби асраб-авайлагин!

Исми жисмига монанд бек ўғлим!

Кўнглимда сенга айтадиган гапларим кўп, аммо давлат иши билан боғлиқ вазифалар боис мактубимни ҳозирча шу ерда тўхтатишга мажбурман.

Сен ҳам, тенгдошларинг ҳам бир нарсани доимо ёдингизда тутинг: сизлар бобо-бувиларингиз, ота-онангизнинг кўз қароғи, бебаҳо бойлигисиз.

Менинг ўз фикрларим юртимиздаги ҳар бир бобо ва ота, ҳар бир буви ва онанинг ўз азиз дилбандларига атаган юрак сўзларидир.

Менинг ўз насиҳатларим Ўзбекистоннинг барча болаларига бағишланган эзгу тилакларидир.

Сизларни жуда соғинганман. Насиб этса, тез орада дийдорлашамиз.

Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлгин!

Илоҳим, камолингни, иқболингни кўриб юрайлик!

Президент бобонг
Шавкат МИРЗИЁЕВ

ВИЛОЯТИМИЗДА ЯШИЛ МАКОНЛАР КЎПАЙМОҚДА



Вилоятда ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, кўчат экиш билан бирга уларни парваришлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, сўнгги беш йилда вилоят ҳудудида 78 миллион туп дарахт ва бута кўчати экилди. Натижада ҳудуднинг яшиллик даражаси 13 фоиздан 22 фоизга етди.

Бу борадаги ишлар 2025 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, 164 гектар майдонда яшил боғлар, 123 гектарда яшил жамоат парклари ташкил этилди. Шунингдек, вилоятнинг 883 та маҳалласида 2 миллион тупдан зиёд кўчат экилиб, янги маҳалла боғлари барпо қилинди. Умуман, лойиҳанинг жорий йилги куз мавсумида вилоят бўйлаб 12 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш мақсад қилинган.

Тадбир аввалида эзгу ниятлар билан жонлиқ сўйилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Маросимда бош вазир ўринбосари Ғафуржон Мирзаев иштирок этди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



* * *

Юқори Чирчиқ туманида ҳам кўчат экиш ишлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Туманда ташкил этилган ҳашарда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ҳамда нуронийлар карвони иштирок этиб, кўчат экиш ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тадбирда маҳалла фаоллари, ҳашарчилар, ёшлар, турли ташкилот ва муассасалар вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашиб, белгиланган майдонларга кўчатлар экишди.

* * *

Шунингдек, вилоят ҳокими Ўрта Чирчиқ туманида ҳам бўлиб, "Яшил макон" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ҳашарда иштирок этди.

* * *

Чирчиқ шаҳридаги «Келажак» марказида «Юксалиш» ҳаракати Тошкент вилояти бўлинмаси ташаббуси билан «Бир миллион дарахт» акцияси доирасида кўчат экиш тадбири ташкил этилди.



Унда ҳаракат фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ҳамда турли ташкилотлар ходимлари фаол иштирок этиб, ҳудудни янада обод ва кўркам масканга айлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тадбирни юқори савияда ташкил этишда шаҳар ҳокимлиги масъул раҳбарлари яқиндан кўмаклашдилар. Умумий саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудга 200 га яқин манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди.

Эътиборлиси, экилган ҳар бир кўчатнинг парвариши, ўсиб-униши, яшнаб кетиши ва атрофга кўрк бағишлашини таъминлаш мақсадида ташкилот ҳамда ободонлаштириш ходимлари бириктирилди.

Қайд этилганидек, бундай эзгу ташаббуслар фақат ҳудудларни кўкаламзорлаштириш билангина чекланмайди. Улар одамларни бир мақсад атрофида бирлаштиради, табиатга дахлдорлик туйғусини кучайтиради ва ёш авлодни атроф-муҳитни асрашга чақиради.

Зеро, дарахт экиш – савобли амал, уни асраб-авайлаб, парваришлаш эса келажак олдидаги масъулиятдир.

Ўз мухбиримиз

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР





Қайд этилганидек, кузги мавсумда вилоят бўйича жами 11 миллион 358 минг туп кўчат экиш белгиланган. Бугунги кунга қадар yashilmakon.eco электрон платформасига 7,7 миллион туп кўчат экилгани ҳақида маълумот киритилган бўлиб, уларнинг 6,9 миллиони тасдиқланган. Бу режа ижросининг 60 фоизини ташкил этмоқда.

Бироқ айрим йўналишларда ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётгани танқидий муҳокама қилинди.

Хусусан, янги тутзорлар барпо этиш, автомобиль ва темир йўллари бўйларида кўчат экиш, саноат корхоналари ҳудудида “яшил белбоғ”лар яратиш борасидаги ишлар суслиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, боғ ва токзорлар ташкил этиш бўйича Бўка, Янгийўл ҳамда Қибрай туманларида ҳозирга қадар умуман кўчат экилмагани алоҳида таъкидланди.

Кўчат экишда турлар хилма-хиллигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Таҳлилларга кўра, баҳорги мавсумда экилган кўчатларнинг 32,6 фоизини, яъни 2,31 миллион тупини терак ташкил этган. Бу эса бир турдаги дарахтларга ортиқча таянилганини кўрсатади.

Шу боис келгуси экиш ишларида ҳудуднинг иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка чидамли маҳаллий дарахт турлари – қайрағоч, жийда, шумтол, арча, софора, бодом ва оқ акация каби кўчатлар улушини ошириш тавсия этилди.

Иккинчи масала вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бағишланди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумотларга кўра, 2026 йилнинг 9 ойида вилоят саноатида 108,4 фоизлик ўсишга эришилган. Қурилиш материаллари соҳасида эса 12,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 128,1 фоизни ташкил этган.

Бироқ эришилган натижаларга қарамасдан, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина экани қайд этилди.

Жумладан, рўйхатга олинган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 28,6 фоизи фаолият юритмаётгани, аксарият ишлаб чиқарувчилар экспорт бозорларига чиқмагани, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари ва янги иш ўринлари яратиш борасидаги салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётгани танқид қилинди.

Масъул раҳбарларга фаолиятсиз корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар экспортини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, йиғилиш давомида “Ijro.gov.uz” электрон тизимидаги топшириқлар ижроси, 2026 йилнинг III чораги якунлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) бажарилиши ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур йўналишлардаги мавжуд камчиликлар таҳлил қилиниб, ижро интизомини мустаҳкамлаш, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган ҳар бир масала бўйича аниқ вазифалар, масъуллар ва ижро муддатлари белгилаб олинди. Белгиланган топшириқлар ижроси қатъий назоратга олиниши таъкидланди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги
Ахборот хизмати

▼ Дала семинари

Бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд манбаларни асраш ва қишлоқ хўжалигида тежамкор технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аҳоли томорқаларида етиштирилаётган маҳсулотлар озиқ-овқат таъминотида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олсак, кичик ер майдонларини ҳам сув билан самарали таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

СУВНИ ТЕЖАШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



Шу мақсадда вилоятимизда қуёш энергиясида ишлайдиган мобиль томчилатиб суғориш қурилмасидан фойдаланиш бўйича ўқув-дала семинарлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, «Сувчи» жамоат бирлашмаси ҳамда Корея Халқаро тараққиёт ҳамкорлик маркази билан биргаликда ўтказилаётган тадбирларда Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, томорқа ер эгалари иштирок этишди.



Мақсад – «Сувчи» жамоат бирлашмаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, қуёш энергиясида ишлайдиган насос орқали сув етказиб берувчи паст босимли мобиль томчилатиб суғориш тизимининг имкониятларини тушунтириш, иштирокчиларга унинг ишлаш тартиби бўйича назарий ва амалий билим беришдан иборат.

Машғулотлар Ўрта Чирчиқ туманидаги «Сувчилар мактаби» аудиториясида ўтказилди. Назарий машғулотларда дунё ва минтақада кузатилаётган сув тақчиллиги, унинг салбий оқибатларини юмшатиш чоралари, кичик майдонларда сув тежовчи технологияларни қўллаш имкониятлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Корея ва Ўзбекистонда томчилатиб суғориш технологияларини ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Амалий машғулотлар жараёнида иштирокчилар мобиль қурилмани дала шароитида ўрнатиш, қуёш панеллари ёрдамида насосни ишга тушириш, суғориш қувурларини монтаж қилиш ва тизимдан фойдаланиш тартиби билан танишишди.

Қурилманинг асосий афзаллиги унинг кўчма ва қуёш энергияси асосида ишлашидир. Уни сув манбаига яқин жойга ўрнатиш ёки махсус идишдаги сув ёрдамида ишлатиш мумкин. Қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган электр энергияси насосни ҳаракатга келтириб, сувни томчилатиб суғориш тизимига узатади. Суғориш якунлангач, қувурлар йиғиб олиниб, қурилма бошқа майдонга кўчирилади. Демак, ундан бир нечта кичик ер майдонларида навбатма-навбат фойдаланиш мумкин.

– Тизимнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, паст босимли томчилагич ленталари орқали лойқали сувни ҳам ўтказиши мумкин, – дейди ихтирочилардан бири Мустафо Бердиев. – Бунда сувни олдиндан тозалаш талаб этилмайди. Бу эса қурилмадан турли сув манбалари мавжуд бўлган ҳудудларда фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Технологиянинг самарадорлиги тажриба натижаларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, бодринг етиштириш бўйича тажрибаларда эгатлар орқали 12 марта суғориш учун 3 минг 600 куб. метр сув сарфланган бўлса, томчилатиб суғориш усулида 34 марта суғоришга 2 минг 200 куб. метр сув ишлатилган. Натижада 38,9 фоиз сув тежалган. Мевали боғларда эса сув тежаш кўрсаткичи 65-75 фоизгача етиши мумкин.

– Қибрай туманидаги «Туркистон Тўраев Нажмиддин» фермер хўжалиги раҳбариман, – дейди Нажмиддин Тўраев. – Хўжалигимизнинг умумий майдони 74 гектар бўлиб, шундан 17 гектари суғориладиган, қолган қисми лалми ерлардан иборат. Асосан узумчилик ва боғдорчилик билан шуғулланамиз. Бундай мобиль қурилманинг яратилиши сувга эҳтиёжи юқори бўлган хўжаликлар учун жуда қулай. Айниқса, уни бир майдондан бошқасига кўчириб фойдаланиш имконияти борлиги бизга маъқул.

Семинар якунида иштирокчилар сув тақчиллиги шароитида бундай замонавий технологияларнинг аҳамияти, уларни аҳоли ўртасида оммалаштириш ва фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ерларида кенг жорий этиш масалаларини муҳокама қилишди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Муаллиф олган суратлар

▼ Сарҳисоб

Товар ва хизматлар сифати, савдо қоидаларига риоя этилиши ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муҳим вазифалардандир. Бу борада Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмасининг 2022-2026 йиллар ҳамда жорий йилнинг 9 ойи давомидаги фаолиятига бағишланган ҳисобот конференциясида батафсил маълумот берилди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



Унда ҳудудий бирлашма ва туман-шаҳар жамиятлари масъуллари, делегатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, ҳудудий бирлашма фаолияти «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида йўлга қўйилган.

Ҳисобот даврида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2022 йилдан 2026 йилнинг 9 ойига қадар федерациянинг 1091 қисқа рақамли ишонч телефони, Президент мурожаатлар портали, Бош прокуратура ишонч телефони, Telegram-бот, шунингдек, ёзма ва оғзаки шаклларда жами 3 минг 811 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 3 минг 235 таси ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига 2 миллиард 270 миллион 141 минг 653 сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинган. Қолган 576 та мурожаат эса тегишлилиги бўйича ваколатли давлат органларига йўналтирилган.

Мурожаатларнинг асосий қисми савдо ва хизмат кўрсатиш, товарлар сифати, кафолатли хизмат, маҳсулотларни қайтариш ва алмаштириш, коммунал, тиббий ҳамда банк-кредит хизматларига тааллуқли бўлган.

– Бу рақамлар ортида ҳуқуқлари тикланган минглаб фуқароларнинг манфаатлари мужассам, – дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси аъзоси Шуҳратжон Ражабов. – Шу боис ҳар бир мурожаат билан ишлашда тезкорлик, қонунийлик ва натижадорликка алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жамоатчилик назорати тадбирлари ҳам фаолиятнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан келишилган ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган иш режаси асосида 18 минг 456 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти ўрганилди.

Натижада солиқ, меҳнат, соғлиқни сақлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид бўлган 2 минг 956 та ҳолат аниқланиб, тегишли чора кўриш учун ваколатли органларга юборилди. Шунингдек, савдо дўконлари, умумий овқатланиш шахобчалари ва хизмат кўрсатиш объектларида товарларнинг яроқлилик муддати, нархларнинг тўғри кўрсатилиши ҳамда савдо қоидаларига амал қилиниши юзасидан мониторинглар ўтказилди.

Йиғилишда эришилган натижалар билан бирга, туман ва шаҳар жамиятлари ишидаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилинди. Келгуси давр учун жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш ва давлат органлари билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди.

Нигора ЭРКИНБОЕВА
Муаллиф олган сурат

▼ Talaba kundaligidan



Çirçiq şahrining bugungi taraqqiyoti va istiqbollari haqida söz yuritganda, ilk oliy ta’lim muassasasi – Çirçiq davlat pedagogika universitetining örnini alohida e’tirof etiş lozim. Mazkur dargoh nafaqat malakali pedagog kadrlar tayyorlaydigan ta’lim muassasasi, balki ilmiy tafakkur, ma’rifat, innovatsion ğoyalar va yoşlar taşabbuslari mujassam bölgan muhim intellektual markaz hamdir.

ŞAHAR TARAQQIYOTIGA DAXLDOR MASKAN

2017-yilda taşkil etilgan mazkur universitet şaharning iqtisodiy hayotida yangi imkoniyatlar eşigini oçdi. Universitet faoliyati tufayli professor-öqituvçilar, ilmiy xodimlar, muhandislar, ma’muriy va texnik mutaxassislar uçun iş örinlari yaratildi. Şu bilan birga, ta’lim muassasasi atrofida xizmat körsatiş sohalari ham rivojlana boşladi. Xususan, umumiy ovqatlaniş şaxobçalari, ijara uylari, transport, savdo, nusxa köçiriş va poligrafiya xizmatlariga bölgan talab ortdi.

Talabalar, professor-öqituvçilar va universitetga taşrif buyuruvçi mehmonlar oqimi şaharda tovar va xizmatlarga bölgan ehtiyojni oşirib, kiçik biznes hamda xususiy tadbirkorlik uçun yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Talabalar turarjoylari, qahvaxona, oşxona, kitob dökonlari, öquv markazlari, maişiy xizmat körsatiş şaxobçalari – bularning barçasi universitet atrofida şakllanayotgan özига xos iqtisodiy muhitning tarkibiy qismidir.

Bundan taşqari, universitetning xalqaro hamkorlik aloqalari, ilmiy loyihalari, grantlari, konferensiya va forumlari şaharga yangi intellektual resurslar, tajriba va investitsiyaviy imkoniyatlarni jalb etiş uçun zamin yaratmoqda. Xorijiy hamkorlar, olimlar, delegatsiyalar va tadqiqotçilarning taşriflari esa mehmonxona, transport, umumiy ovqatlaniş va boşqa xizmat körsatiş sohalari rivojiga ham turtki beradi. Ayniqsa, ilm-fan bilan işlab çiqariş örtasidagi hamkorlikni mustahkamlaş, ilmiy işlanmalarni amaliyotga tatbiq etiş, yangi ğoya va loyihalarni qöllab-quvvatlaş universitetning iqtisodiy taraqqiyotdagi ahamiyatini yanada oşiradi. Bu jarayon şaharning nafaqat iqtisodiy, balki sayyohlik va investitsiyaviy salohiyatini yuksaltirişga ham xizmat qilmoqda.

E’tiborlisi, mazkur muassasa şaharda ma’rifiy muhitni şakllantirişda ham alohida örin tutadi. Zero, bu dargohda turli soha vakillari, ilm ahli, pedagoglar, ijodkorlar hamda öz oldiga yuksak maqsadlar qöygan minglab yoşlar jam böladi. Universitetda taşkil etilayotgan ilmiy anjumanlar, adabiy uçraşuvlar, madaniy-ma’rifiy tadbirlar, sport musobaqalari va ijodiy tanlovlar talabalarning dunyoqaraşini kengaytiriş, ma’naviy olamini, ayniqsa, kitobxonlikni tarğib qiliş, milliy qadriyatlarimizni asrab-avaylaş, ona tilimiz va adabiyotimizga hurmatni kuçaytirişga qaratilgan taşabbuslar bugungi global axborot makonida katta ahamiyatga ega. Çunki ma’rifatli jamiyatni şakllantiriş, avvalo, yoşlarning qalbida ilmga, kitobga va ezgulikka muhabbat uyğotişdan boşlanadi.

Universitetdagi teatr, san’at, adabiyot va ijodiy tögaraklar faoliyati ham bu borada muhim ahamiyat kasb etmoqda. Madaniy-ma’rifiy loyihalarga maktab öquvçilarining jalb etilişi, talabalar ijodining keng jamoatçilikka taqdim qilinişi ta’lim muassasasi bilan şahar aholisi örtasidagi ma’naviy aloqalarni mustahkamlamoqda.

Ayniqsa, universitet kafedralari va umumta’lim maktablari örtasidagi hamkorlik alohida ahamiyatga ega. Bunday hamkorlik doirasida maktab öquvçisi universitet muhiti bilan ertaroq tanişadi, ilm-fanga qiziqişi ortadi, kelajakda qaysi kasbni tanlaşi haqida aniqroq tasavvurga ega böladi. Talabalar esa nazariy bilimlarini amaliyot bilan mustahkamlab, öz kasbining mas’uliyatini çuqurroq anglaydi. Şu tariqa, maktab va universitet örtasidagi uzviy aloqa ta’limning izçilligi va davomiyligini ta’minlaş, malakali pedagog kadrlar tayyorlaş hamda kelajak avlodning intellektual salohiyatini östirişga xizmat qiladi.

Darhaqiqat, mazkur universitetning ahamiyati şahardagi ma’naviy muhitni boyitişda, ilm-fanni ommalaştirişda, yoşlar taşabbuslarini qöllab-quvvatlaş va kelajak avlod uçun yangi imkoniyatlar yaratişda namoyon bölmoqda.

Zero, universitet – bu faqat bugungi kun uçun mutaxassislar tayyorlaydigan dargoh emas. U ertangi kunning ziyolilari, olimlari, pedagoglari va jamiyat taraqqiyotiga daxldor insonlarni tarbiyalaydigan maskandir.

Dilnura BOYMAXMATOVA,
Çirçiq davlat pedagogika universiteti talabasi

▼ Статистика бурчаги

ШАФФОФ РАҚАМЛАР ВА ҲАЛОЛЛИК КАФОЛАТИ

Ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши холис статистик маълумотларга таянади. Статистика соҳасидаги коррупция эса ҳисоботларни сунъий ўзгартириш, тадбиркорлардан асоссиз маълумот талаб қилиш ва текширувлардаги ноқонуний келишувлар орқали намоён бўлиб, жамият тараққиётига жиддий зарар етказади. Хусусан, сохта рақамлар туфайли нотўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниб, бюджет маблағлари муҳтож ҳудудлар ўрнига қоғозда “муваффақиятли” кўринган йўналишларга йўналтирилади.

Шунингдек, маълумотларнинг шаффоф эмаслиги инвесторлар ишончини сусайтириб, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини пасайтиради, ҳисобот жараёнларидаги тамагирлик эса ҳалол тадбиркорликка тўсқинлик қилиб, “яширин иқтисодиёт” улушини оширади. Бундан ташқари, турмуш даражаси ва нарх-навo кўрсаткичларининг бузиб кўрсатилиши ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни давлат ёрдамидан четда қолдириб, аҳоли орасида расмий маълумотларга нисбатан ишончсизликни кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 сентябрдаги «Статистикани ривожлантириш – 2030» миллий стратегиясини тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш маълумотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши статистика тизимидаги ушбу иллатларга барҳам бериш ва маълумотларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган муҳим тарихий қадам бўлди. Ушбу дастуриламал ҳужжат соҳада бюрократик тўсиқлар ва инсон омилини кескин қисқартириш, ҳисобот топшириш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш ҳамда халқаро стандартларга мос, холис ва ишончли маълумотлар базасини шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Мазкур фармон статистика соҳасида коррупцияга замин яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган қуйидаги муҳим ислоҳотларни белгилаб берди:

• Ҳисобот юкини қисқартириш. 2030 йилга қадар тадбиркорларнинг ҳисобот юки 20 фоизга камайтирилади, ҳисобот шакллари 47 тадан 38 тагача қисқартирилади. Бу тадбиркор ва масъул ходим ўртасидаги бевосита мулоқот ҳамда тамагирлик ҳолатларига чек қўяди.

• Тўлиқ рақамли интеграция. Давлат органларининг ўзаро интеграциялашган маъмурий маълумотлар манбалари сони 1,7 бараварга (100 тагача) оширилади. Маълумотлар идоралараро тизимлардан автоматик олиниши рақамларни қўлда ўзгартириш имконини йўққа чиқаради.

• Сунъий интеллект назорати. Маълумотларга сунъий интеллект орқали ишлов бериш натижасида жараён муддати 20 фоизга, харажатлар эса 25 фоизга қисқаради ҳамда сунъий қўшиб ёзишлар инсон омилисиз аниқланади.

• 2026 йил бошида ўтказилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ҳамда ҳозирги кунларда ўтказилаётган бизнесни рўйхатга олиш натижалари асосида 2027 йил якунигача аҳолининг статистик регистри шакллантирилади. Бу жараён тадбиркорлик субъектларининг реал фаолиятини қамраб олиш орқали яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ва норасмий айланмаларга чек қўйишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фармон статистика тизимида инсон омилини кескин камайтириш ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади. Зеро, рақамлар холис бўлса, жамиятда адолат ва барқарор тараққиёт қарор топади.

Ф. ЖЎРАЕВ,
Тошкент вилояти Статистика бошқармаси бош юрисконсульти

АСРЛАР ОША ЯНГРАЁТГАН ОГОҲЛИК

Эътиборлиси, «Ренессанс» театр-студияси томонидан саҳналаштирилган мазкур асар буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси асосида яратилган. Унда асарнинг бош ғояси замонавий ҳаёт манзаралари, янги образлар ва мусиқий саҳна ечимлари орқали ўзига хос талқинда кўрсатилган.

Спектакль воқеалари марказида тадбиркор Бахтиёр ва унинг оиласи туради. Моддий фаровонликни ҳаётининг асосий мақсадига айлантирган ота фарзандининг маънавий дунёси, тарбияси ва келажагига етарлича эътибор қаратмайди. Натижада унинг ўғли Темур нотўғри муҳит, зарарли таъсирлар ва жиддий хатолар гирдобига тушиб қолади. Оилада юзага келган маънавий бўшлиқ эса бора-бора аянчли оқибатларга олиб келади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Асар давомида ота ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, оиладаги бефарқлик, катталарнинг масъулиятсизлиги, ёшларнинг ҳаётий танловлари драматик воқеалар орқали очиб берилади. Айниқса, Жаҳонгирнинг насиҳатлари ва Бахтиёрнинг уларга бепарво муносабати томошабинни мушоҳадага чорлайди.



Аслида, «Падаркуш» фақат отасининг қотилига айланган фарзанд ҳақидаги фожиа эмас. Бу – бутун жамиятга қаратилган огоҳлантириш. Фарзандни илм-маърифатдан узоқлаштириш, унинг тарбиясига бепарво бўлиш охир-оқибат нафақат бир оиланинг, балки жамиятнинг ҳам келажагига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мазкур спектаклда айни шу ғоя бугунги кун воқелиги билан уйғунлаштирилиб, замонавий саҳна талқинида акс эттирилган.



Бугун ёш авлоднинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш, оилада соғлом муҳит яратиш ва таълим-тарбияга эътиборни кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Спектакль ана шу масалаларни санъат тили орқали кўтариб чиқади. Томошабинга эса бир ҳақиқатни эслатади: фарзандга моддий шароит яратишнинг ўзи кифоя эмас, унга меҳр, эътибор, билим ва тўғри тарбия ҳам бериш зарур.

Саҳна асаридаги образларни истеъдодли актёрлар Бегзод Содиқов, Сардор Норматов, Ифода Алижонова, Шоҳжаҳон Омонов, Диёр Тўхтаназаров, Самина Шарипова ва Камила Торопшовалар ижро этишган. Шунингдек, театр-студиясининг хореография гуруҳи ҳамда «Қалдирғоч» болалар санъат маркази ўқувчиларининг чиқишлари саҳна асарига ўзгача жозиба бағишлаган.

Мусиқа, актёрлик маҳорати ва саҳнавий ечимлар уйғунлигида яратилган спектакль томошабинни бефарқ қолдирмайди. Ундаги ҳар бир образ, ҳар бир воқеа замирида ҳаётий сабоқ мужассам. Асар якунида эса бир ҳақиқат янада теран англашилади: фарзанд тарбияси фақат оиланинг эмас, бутун жамиятнинг келажаги билан боғлиқ масъулиятдир.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

ЭЛЛИГИНЧИ ҚАВАТДАГИ “ДУВ-ДУВ” ГАП...



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Лайло Жалилова Туркияда ўқишни тамомлаб, Ўзбекистонга қайтганида олдида катта мақсадлар билан бирга жиддий саволлар ҳам турган эди. Қайси компанияда ишлаш, катта лойиҳаларга кириб боришни нимадан бошлаш керак? Унинг қўлида резюме, кўнглида эса ҳали тажрибаси етарли эмаслиги ҳақидаги хавотир бор эди.

– Туркияда ўқиганим учун дастлаб турк компанияларини қидирдим, – дейди Лайло. – Биринчи бўлиб «Murad Buildings» компанияси ва Туркиянинг «Özgüven» компанияси ҳамкорлигида қурилаётган «Nest One» лойиҳасига эътибор қаратдим. Аммо таниш архитекторлардан бу жойларга ишга кириш қийинлигини эшитдим. Ўзимни паст баҳолаб, ҳатто чўчидим ҳам.

Шундай бўлса-да, у орқага чекинмади. “Toşkent City”даги бир нечта компанияга бориб, иш сўради. Ҳатто архитекторга эҳтиёж йўқлигини айтган фирмада ҳам суҳбат давомида унинг резюмесига қизиқиш билдиришди. Натижада ишга таклиф олди.

Аммо Лайлонинг кўнглида яна бир мақсад бор эди. “Toşkent City”дан қайтар экан, «Nest One» қурилишига кўзи тушди. Администратор билан гаплашиб, ҳужжатларини қолдирди. Эртаси куни эса ўзи кутмаган қўнғироқ бўлди: «Истанбул учун архитектор қидиряпмиз, бора оласизми?» деб сўрашди. «Аслида Туркияга қайтиш ниятим йўқ эди, лекин «ҳа» дедим. Кейин суҳбатлар бошланди. Менинг катта қурилишда тажрибам йўқ эди. Аммо улар: «Олий маълумотли экансиз, бу комплекс лойиҳа, банк ҳам, офис ҳам, тураржой ҳам бор. Ҳаммасини шу ерда ўрганасиз. Иштиёқингиз бўлса, биз билан ишлайсиз», дейишди.

Лайло бир кунда бир нечта суҳбатдан ўтди. Ишга икки ойлик синов муддати билан қабул қилинди. Унинг ўзи бу муддатда ишни эплаб кетишига ишонмаганини яширмайди.

– Университетда ўқигандай ўрганиб, ишладим, – дея давом этди Лайло. – Икки ойдан кейин шартномам узайтирилди. «Nest One»да охиригача биз билан ишлайсиз», дейишди. Шу тариқа катта қурилиш лойиҳасидаги фаолиятим бошланди.

Лайлонинг бу ҳикоясида бир жиҳат эътиборга молик: имконият баъзан тайёр тажрибага эмас, балки инсоннинг интилишига қараб эшик очади. Унинг турк тилини билиши ҳам халқаро жамоада ишлашида қўл келди. Демак, касбий билим билан бирга тил ўрганиш, янги муҳитга мослашиш ва ўз устида ишлаш ҳам муҳим.

«Nest One» – Лайло учун шунчаки баланд бино эмас. Бу унинг катта қурилишдаги илк тажрибаси, ҳар бир босқичда янги билим ва масъулиятни талаб қилган мураккаб лойиҳа. У қурилишнинг қазиш ишлари бошланган пайтларидаёқ ишга киришиб кетди. Ўзбекистондаги мутахассислар учун ҳам янги бўлган кўплаб ечимлар, ўзи учун эса катта синовлар мавжуд эди. Қурилишнинг ҳар бир босқичи алоҳида диққат ва изланишни талаб қиларди.

Унинг олдида турган вазифа оддий эмасди. Фақат бир блокнинг ўзида 724 та хонадон бўлган. Лайло ҳар бир хонадондан қандай манзара кўринишини, фасад деталлари хонадон ичидаги кўринишга қандай таъсир қилишини ҳисобга олиб ишлади.

– Ҳар битта хонадон билан алоҳида ишлаб чиққанман. Ташқаридан қараганда фасаднинг умумий дизайни сақланиши, ичкаридан эса манзара чиройли бўлиши керак эди. Шу иш жараёнида йиғлаган вақтларим ҳам бўлган, – дейди у.

Бу сўзларда меъморлик касбининг кўпчилик кўравермайдиган қирраси намоён бўлади. Бинонинг ташқи кўринишига маҳлиё бўлиш осон. Аммо унинг ҳар бир деталини одамларнинг кундалик ҳаёти, қулайлиги ва эҳтиёжи билан уйғунлаштириш – меъмордан катта масъулият талаб қилади.

Лайло «Nest One»нинг 52-қаватида туриб, бу нуқта унинг учун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Суҳбатдошлари билан бирга бинодаги муҳандислик тизимлари, юқори қаватларга сув етказиш каби кўпчиликни қизиқтирадиган масалаларни ҳам муҳокама қилади.

– «Nest One» мен учун экологик умри боқий бино ҳисобланади. Бу ерда кўплаб мураккаб ечимлар бор. Ҳар бир босқичида иштирок этиш, қурилиш жараёнини бошидан охиригача кузатиш архитектор учун катта тажриба экан, – дейди Лайло.



Меъморликни танлаган қизлар учун энг катта тўсиқ баъзан касбнинг ўзи эмас, балки атрофдагиларнинг муносабати бўлади. Лайло ҳам буни бошидан кечирган.

– Архитектура қиз боланинг иши эмас экан, деб қўрқиб, ишдан бўшамоқчи бўлган вақтларим ҳам бўлган. Аммо қийинчиликда мени ушлаб қолган нарса лойиҳанинг ўзига бўлган қизиқишим эди. «Nest One» менга проект сифатида ёқарди. Уни аро йўлда ташлаб кетиш, менимча, хато бўларди, – дейди у. – Аммо энди давр бошқа. Бугун қизларнинг катта қурилишларда ишлашига тўсқинлик қилган эски қарашлар аста-секин ўзгармоқда. Касбдаги муваффақиятни жинс эмас, билим, меҳнат ва ирода белгилайди. Ёшлар билишини хоҳлардим: ҳар қандай чеклов ўзимизнинг миямизда. Мана, мисол: вакансияси бўлмаган жой ҳам мени ишга олди. Демак, инсон ўзига ишониши, имкониятни қидириши керак.

Лайло катта лойиҳаларда иштирок этишни истаган ёшларга тил ўрганишни ҳам тавсия қилади. Инглиз ёки турк тилини билиш халқаро жамоада ишлаш, тажриба орттириш ва янги имкониятларга йўл очишда муҳим аҳамият касб этади.

Суҳбат давомида Лайлонинг бувиси ҳақидаги ҳикояни яна бир бор ёдга олдик. «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида Умида образини яратган Рўза Ризамуҳаммедова кино санъатида ўз ўрнига эга бўлган актриса эди.

– Бувимнинг орзулари катта қурилишларда ишлаш, худди кинодагидек кийиниб, архитектор бўлиш эди, – дейди Лайло. – «Лекин менга насиб қилмади», деган-дилар...

Бугун невараси айнан ўша касбни танлади. Унинг меъмор сифатидаги меҳнатида бувисининг орзусини эслаш, унинг ҳаётидан илҳом олиш бор. Аммо Лайло бугунги ютуқларини фақат оилавий тарих билан боғлаб қўймайди. У ўзининг билим ва тажрибаси билан йирик лойиҳаларда иштирок этишни, ўз касбининг ҳақиқий мутахассиси бўлишни мақсад қилган.

Лайло Жалилова иштирок этаётган яна бир муҳим лойиҳа – Янги Ўзбекистон университети кампуси. Унинг таъкидлашича, бу ердаги қурилиш жараёни ва лойиҳанинг кўлами мутахассислар учун ҳам янги тажриба бўлмоқда.

– Биринчи марта шунчалик катта, барча қулайликларга эга кампус барпо этиляпти. Бу ерда фақат талабалар эмас, ўқитувчилар ҳам яшаши мумкин бўлган муҳит яратилади, – дейди у.

Лайло келтирган маълумотларга кўра, кампус 18 минг нафар талабага мўлжалланган. Унда муҳандислик ва бошқарув факультетлари, ректорат, спорт мажмуалари, стадион, ётоқхоналар, академиклар учун яшаш жойлари бўлади. Бу ерда таълим, спорт, яшаш ва илмий фаолият учун зарур шароитларни бирлаштириш кўзда тутилган.

– Давлатимиз ташаббуси билан шундай биноларни лойиҳалаштириш ва қуриш имконияти берилгани биз учун шараф. Бу лойиҳа меъмор сифатида менга катта масъулият ҳам юклайди, – дейди Лайло фахр билан.

Унинг учун бугунги қурилиш жараёнида иштирок этиш нафақат касбий тажриба, балки келажак авлодлар учун яратилаётган муҳитга ҳисса қўшиш демакдир.

Лайло Жалилованинг йўли ҳали давом этади. Унинг олдида янги лойиҳалар, янги изланишлар ва янги имкониятлар бор. Аммо бир ҳақиқат аниқ: меъморликда ҳам, ҳаётда ҳам катта бунёдкорлик, аввало, инсоннинг ўз орзусига ишонишидан бошланади.

Феруз МУҲАММАД

TOŞKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOŞKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toşkent haqiqati” va “Taşkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, Ğafurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, Ğayrat ŞERALIYEV, Kumuş EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Boş muharrir:
Töxtamurod HASANBOYEV

Navbatçi:
Ötkir HOŞIMOV

Toşkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boşqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan röyxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Boş muharrir örinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bölim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E'lonlar va hisob-kitob bölimi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toşkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxöjayev tomonidan sahifalandi. Haftaning çorşanba va şanba kunlari çiqadi.

Manzil: 111500, Nurafşon şahri, Toşkent yöli köçasi, 90. Toşkent şahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq köçasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosişga topşiriş vaqti – 20:00. Bosişga topşirildi – 22:00. Naşr körsatkiçi – 205.
6 723 nusxada çop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-1135.
Ofset usulida bosildi. Qoğoz biçimi A–2. Bahosi kelişilgan narxda.

«SHARQ» naşriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toşkent şahri, Buyuk Turon köçasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6